

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДУМАТОВ ЖАМШЕД АНВАРОВИЧ

**II ТИПДАГИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ
ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИ РЕНТГЕНОЛОГИК СЕМИОТИКАСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.19- Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Турдуматов Жамшед Анварович II Типдаги қандли диабетда ўпканинг сурункали обструктив касаллиги рентгенологик семиотикаси хусусиятлари	3
Турдуматов Жамшед Анварович Особенности лучевой семиотики хронической обструктивной болезни легких при сахарном диабете II типа	29
Turdumatov Jamshed Anvarovich Features of radial semiotics of copd in type 2 diabetes mellitus.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published work.....	58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДУМАТОВ ЖАМШЕД АНВАРОВИЧ

**II ТИПДАГИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ
ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИ РЕНТГЕНОЛОГИК СЕМИОТИКАСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.19- Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1432 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мардиева Гульшод Маматмурадовна**
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Зарединов Дамир Арифович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуганиева Эълнора Аброловна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.

(2025 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунеда ўпканинг сурункали обструктив касаллиги (ЎСОК) ва 2 тип қандли диабет кенг тарқалганлиги ва юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлиги касаллик бўлиб ва бугунги кунда соғлиқни сақлашнинг глобал муаммоларидан ҳисобланади ва замонавий жамиятда касалланиш ва ўлимнинг асосий сабабларидан биридир. Умуман олганда, «...ЎСОК туфайли ҳар йили тахминан 2,8 миллион киши вафот этади, бу барча ўлим сабабларининг 4,8 фоизини ташкил қилади ва бутун дунёда бўлгани каби, мамлакатимизда ҳам ЎСОК кўрсаткичи юқори бўлиб, сўнгги 5 йил ичида ЎСОК билан касалланиш 1,3 баробарга ошган»¹. ЎСОКни эрта диагностикаси, 2 тип қандли диабет фонида ўпкада юз берадиган морфологик ўзгаришларни баҳолаш, самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш, сурункали касалликнинг қайтмас босқичлари ривожланишини башоратлаш ва олдини олиш долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ЎСОК диагностик техникаси яхшилашга қаратилган, клиник-морфологик қонуниятларини баҳолаш ва ривожланишини прогнозлаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ЎСОКда ва 2 тип қандли диабетнинг биргаликда кечиши алоҳида диагностикасини такомиллаштириш ва унинг ривожланишини олдини олиш глобал тенденция бўлиб, пульмонологиянинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Юпқа кесимли мултиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ЎСОК ташхисида, айниқса 2 тип қандли диабет билан оғриган беморларда рентгенографиядан сезиларли даражада устун туради, чунки у ўпка тўқималари, нафас йўллари ва қон томир тизимининг ҳолати тўғрисида батафсил ва юқори аниқликдаги маълумотларни тақдим этиш имкониятига эга. МСКТдан фойдаланиш касалликни эрта босқичларда аниқлаш, шикастланиш даражасини аниқ баҳолаш, асоратлар ва ёндош касалликларни аниқлаш имконини беради, бу эса уни даволаш тактикасини оптимал танлаш ва прогнозни яхшилаш учун долзарб муаммо ҳисобланади ва алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, турли патологик ҳолатларда мақсадли илмий асосланган даволаш-профилактика тадбирларини ўтказишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2 тип

¹ WHO. 2024 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

қандли диабетда ЎСОК билан оғриган беморларнинг клиник-морфологик жиҳатларини ўрганиш ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони урганганлик даражаси. Дунёда ЎСОКни ташхислаш учун GOLD каби халқаро тавсияларга мос келадиган турли усуллар қўлланилади, аниқ диагностика мезонларини ишлаб чиққан бўлиб, улар спирометрияга асосланган. Бу эса касалликни эрта босқичларда аниқлаш имконини беради (GOLD, 2023). Кенг қамровли эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ЎСОК кўпинча, айниқса енгил босқичларида, тўғри ташхисланмай қолмоқда (Peng Y et all., 2020). Бу эса эрта аниқлашнинг янада сезгир усулларини ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Сўнгги йилларда касалликнинг фенотипини аниқлашга имкон берадиган яллиғланиш биомаркерлари фаол ўрганилмоқда (Котляров С.Н. и др., 2023). МСКТ ва плетизмография каби замонавий технологиялар ўпканинг тузилишини ва эмфиземанинг оғирлигини батафсил баҳолаш имконини беради. Чекувчилар ва зарарли омиллар таъсирига учраган шахслар орасида касалликни эрта аниқлаш учун янги скрининг дастурлари ва хавфни баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилмоқда (Aisanov Z. et all., 2018). ЎСОК ва 2 тип қандли диабет кенг тарқалган касалликлар бўлиб, кўпинча бир вақтнинг ўзида кузатилади. Қандли диабетнинг ЎСОК билан биргаликда кечиши 2%-35,8% ҳолларда қайд этилган (Сергеева Ш.Б. ва бошқ., 2019; Павлова А.С. ва бошқ., 2023). Уларнинг умумий касалланиш ва ўлимга қўшган юқори ҳиссаси, шунингдек, умумий хавф омиллари ва механизмларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу касалликларни самарали бошқариш кўп соҳали ёндашувни ва эрта ташхислашни талаб этади.

ЎСОКни ташхислаш ва кузатишда рентгенологик усуллар муҳим роль ўйнайди. Асосий ташхис клиник кўриниш ва спирометрик маълумотлар

асосида қўйилса-да, визуализация усуллари, жумладан рентгенография ва компьютер томографияси ўпка тўқимасидаги тузилиш ўзгаришларини аниқлашга ва бошқа касалликларни истисно қилишга ёрдам беради (Тюрин И.Е., 2014).

Нур ташхисоти ҳақида гапирганда, сўнгги ўн йилликда компьютер томографияси рентгенографияга нисбатан бир қатор муҳим афзалликларга эга бўлганлиги сабабли пульмонология амалиётига кенг жорий этила бошланди. МСКТ ўзининг юқори аниқлик қобилияти, миқдорий таҳлил имконияти ва касалликнинг эрта белгиларини аниқлаш қобилияти туфайли ЎСОКда кучли диагностика воситаси ҳисобланади. Ушбу усул ташхис аниқлигини сезиларли даражада оширади, патологиянинг оғирлигини баҳолашга ва даволаш самарадорлигини назорат қилишга ёрдам беради, бу эса уни замонавий пульмонологияда ўрнини боса олмайдиган қилади (Филиппенко Е.В., 2018). 2 тип қандли диабет билан оғриган беморларда ЎСОКни эрта аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга, чунки ушбу касалликларнинг биргаликда кечиши клиник ҳолатни оғирлаштиради, прогнозни ёмонлаштиради ва ҳаёт сифатини пасайтиради. Ўз вақтида ташхис қўйиш асоратлар ривожланишининг олдини олиш ва даволашни оптималлаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда бир қатор олимлар аҳолининг орасида ЎСОКни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари кўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган (Мўминов К.П., 2019; Абдуғаниева Э.А., 2020; Тошметова Г.Т., 2021). Бугунги кунда хорижда чоп этилган кўплаб илмий ишларга қарамасдан, Ўзбекистон илмий адабиётларида ЎСОКнинг нур ташхисоти, айниқса 2 тип қандли диабет мавжудлигида етарли даражада ёритилмаган. Шу сабабли рентгенологик усулни кўллаш натижаларини таҳлил қилиш ҳозирда замонавий клиник радиологиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Тасвирлаш усуллариининг истиқболлилигини ҳисобга олган ҳолда, 2 тип қандли диабетда ЎСОКни аниқлашда уларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-ўқув юртларидаги тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий- тадқиқот ишлари режасига мувофиқ.

Тадқиқотнинг мақсади: 2 типдаги қандли диабет ва ўпка сурункали обструктив касаллигининг нурли семиотикасининг ўзига хос спецификасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

2 типдаги қандли диабет билан бирга келадиган ўпка сурункали обструктив касаллигининг клиник хусусиятларини таҳлил қилиш;

касалликнинг дастлабки даврида 2 типдаги қандли диабет билан ёндош ЎСОК билан оғриган беморларда нафас олиш йўллариининг морфологик ва функционал ҳолатини мониторинг қилишда рентгенография имкониятларини ўрганиш;

2 типдаги қандли диабет билан бирга келадиган ЎСОКнинг эрта патогномоник белгиларини аниқлашда мультиспирал компьютер томографиясининг диагностик аҳамиятини баҳолаш;

2 типдаги қандли диабет билан ёндош ЎСОК билан оғриган беморларда ўпка тўқималарининг денситометрия маълумотларини МСКТ ёрдамида оғирлик даражасига қараб солиштириш.

Тадқиқотнинг объекти. 2020-2023 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида кўриқдан ўтган ва даволанган ЎСОК ва 2 типдаги қандли диабет билан касалланган 75 нафар бемор эди.

Тадқиқотнинг предмети. 2 типдаги қандли диабет билан касалланган ва ёндош ЎСОК билан оғриган беморларнинг кўкрак қафаси органларини диагностика қилиш учун клиник, рентгенологик (рентгенография, МСКТ) усулларининг натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ишда клиник, рентгенологик (рентгенография, МСКТ), шунингдек статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

2 тип қандли диабет фонида кечаётган ЎСОК бронхларни ўтказувчанликнинг бузилишларни аниқлашда бронхит фенотипли эмфизематоз жараёни бронх йўллариининг ёпилиши ҳисобига рентгенологик белгилари мавжудлиги аниқланган;

2 тип қандли диабет фонида оғир кечаётган ЎСОК беморларда эмфиземанинг рентгенологик белгиларда ўпканинг рентгенологик текширув ўпка макро тузилиши ҳолати аниқ кўрсатмаганлиги сабабларга кўра паст сезгирлик текширув усули исботланган.

ўпка кесимли мультиспирал компьютер томографияси ёрдамида қандли диабет ва ЎСОКда ўпка микроваскулопатиясини ва нафас олиш йўллариини ремоделлаш ва перибронхиал фиброз белгилари аниқланган ҳисобига фиброз ривожланишнинг даражаси мезонлари ишлаб чиқилган;

2 типдаги қандли диабет ва ЎСОК билан кечадиган ҳолатларда кичик бронхлар шикастланишининг экспиратор обструкция ҳамда дихотомитик кенгайган паренхима томирларининг мунчоқ шаклидаги деформацияси мультиспирал компьютер томографияси микроваскулопатиянинг намоён бўлиши ҳисобига юқори информатив усул эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2 тип қандли диабет билан коморбид кечаётган ЎСОКда нафас етишмовчилиги клиник белгиларининг қандли диабетсиз ЎСОК билан таққослаганда яққолроқ намоён бўлиши аниқланган;

рентгенологик текширувлар 2 тип қандли диабет фонида ЎСОКнинг оғир клиник шакллари, хусусан, эмфизематоз шаклга нисбатан бронхитик шаклнинг устунлиги аниқланган;

2 тип қандли диабет фонидаги ЎСОКда асосий кўринишлар (эмфизема, ҳаво йўллариининг ремоделланиши белгилари, перибронхиал фиброз) билан

бир қаторда кичик бронхлар шикастланиши аломатлари устунлиги аниқланган;

ЎСОК ва қандли диабет билан оғриган беморларда энг майда қон томирлар архитектурасининг ўзгаришини аниқлаш ҳамда сурункали патопулмонологик ҳолатларнинг кечишини башорат қилиш учун юпқа кесимли МСКТни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги ишда қўлланиладиган назарий ёндашув ва методологиянинг тўғрилиги, ўтказилган назоратнинг тўғрилиги, текширилаётган субъектлар сонининг етарлилиги, тадқиқот маълумотларининг статистик қайта ишланганлиги, эришилган кўрсаткичларнинг мавжуд адабиёт манбалари билан таққосланиши орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ўтказилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар назарий жиҳатдан муҳим бўлиб, юпқа кесимли мултиспирал компьютер томографияси ва рентгенографиядан фойдаланиш орқали 2 тип қандли диабетда ЎСОК эрта аниқлашнинг диагностик мезонларини белгилашга сезиларли ҳисса қўшади, бу эса яқуний хулосани объективлаштириш имконини беради ва патологиянинг эрта белгиларини аниқланиши билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти рентгенологик ташхислашни такомиллаштиришдан иборат бўлиб 2 тип қандли диабетда ЎСОКни эрта босқичларда аниқлаш имконини беради, бу эса ўз навбатида даволашни ўз вақтида бошлаш ва уни ҳар бир беморнинг касаллик кечишидаги ўзига хос хусусиятларига мослаштиришни таъминлайди ва натижада беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЎСОК ва 2 тип қандли диабет коморбидлигида нур ташхисоти натижаларини замонавий визуализация усуллари ёрдамида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: 2 тип қандли диабет фонида кечаётган ЎСОК бронхларни ўтказувчанликнинг бузилишларни аниқлашда бронхит фенотипли эмфизематоз жараёни бронх йўллариининг ёпилиши ҳисобига рентгенологик белгилари мавжудлиги аниқланганлиги, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд бекатидаги тугунли бирлашган шифохонанинг 20.01.2021 йилдаги 8н-р/36-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 22.10.2024 йилдаги 07/17-сонли маълумотномаси).

Ижтимоий самарадорлик: ушбу гуруҳда нур ташхисининг оптимал натижаларига эришиш учун беморларни узоқ муддат кузатиш ва даволаш тактикасини тузатиш муҳимлигини таъкидлайди. Комплекс рентгенологик диагностика маълумотларига асосланиб, хулоса қилиш мумкинки, нафас етишмовчилиги ва қўзиш хавфи юқори бўлган беморларни эрта аниқлаш даволаш усулини мослаштириш, шу жумладан махсус дори воситаларидан

фойдаланиш ва реабилитация чора-тадбирларини ўтказиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* клинко-рентгенологик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2 тип қандли диабет билан бирга кечувчи ЎСОК билан оғриган беморларда бронхитик фенотипи (20%) диабетсиз ЎСОК билан оғриган беморларга (7,5%) нисбатан кўпроқ аниқланган. Нисбатан қулай деб ҳисобланган эмфизематоз фенотип кўпинча диабетсиз ЎСОК билан оғриган беморларда кузатилган (45%). Шу билан бирга, ЎСОК ва 2 тип қандли диабет билан оғриган беморларда касалликнинг кучайишини олдини олишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори, чунки бу гуруҳда касалликнинг кучайиши сезиларли даражада кўп (40% диабетсиз ЎСОК гуруҳидаги 15% га нисбатан). *Хулоса:* натижалар шуни кўрсатадики, ЎСОКнинг бронхитик ва эмфизематоз типларини аниқлашнинг иқтисодий самарадорлиги даволаш харажатларини камайтириш ва индивидуал ёндашувни қўллаш орқали даволаш сифатини яхшилашдан иборат. Бу касаллик кўзиш частотасини камайтириш имконини беради, бу эса ўз навбатида тиббий ва иқтисодий харажатларни қисқартиради.

иккинчи илмий янгилик: 2 тип қандли диабет фонида оғир кечаётган ЎСОК беморларда эмфиземанинг рентгенологик белгиларда ўпканинг радиографик текширув ўпка макро тузилиши ҳолати аниқ кўрсатмаганлиги сабабларга кўра паст сезгирлик текширув усули исботланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд бекатидаги тугунли бирлашган шифохонанинг 20.01.2021 йилдаги 8н-р/36-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* эмфиземанинг енгилроқ кўринишларида 2 тип қандли диабет ва ЎСОК билан оғриган беморларнинг ўпка паренхимаси шикастланиши хусусиятларини аниқлаш кеч ташхис қўйишнинг олдини олишга ва даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам беради, бу эса ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлик:* МСКТ усули билан ўпка паренхимаси зичлигининг ўртача кўрсаткичларини таққослаш шуни кўрсатдики, 2 тип қандли диабет билан бирга кечувчи ЎСОК билан оғриган беморларга нисбатан диабетсиз ЎСОК билан оғриган беморларда денситометрик кўрсаткичларнинг пасайиши кўпроқ ифодаланган. Ушбу тадқиқотлар ЎСОК билан оғриган беморларда МСКТда ўпка паренхимаси зичлиги кўрсаткичларини мониторинг қилиш, айниқса, 2 тип қандли диабет фонида ўрганилаётган патологиянинг оғирлик даражасини баҳолаш учун муҳимлигини таъкидлайди. Умуман олганда, тадқиқот даволаш самарадорлигини баҳолашда ўпка паренхимасини ўрганишда денситометрияни таҳлил қилиш ва бу ҳолат билан оғриган беморлар учун индивидуал ёндашувни белгилаш муҳимлигини кўрсатди. *Хулоса:* ЎСОК ва қандли диабет билан оғриган беморларда эмфиземанинг камроқ ифодаланганлик даражасини билиш ташхис қўйиш алгоритмларини тўғрилаш имконини беради, бу эса такрорий МСКТ каби ортиқча текширувларга бўлган эҳтиёжни камайтиради, тиббиёт муассасаларининг маблағларини тежайди ва коморбид ҳолатнинг патогенезини аниқлаш янада самарали ва кам харажатли даволаш усулларини танлашга кўмаклашади.

учинчи илмий янгилик: юпка кесимли мултиспирал компьютер томографияси ёрдамида қандли диабет ва ЎСОКда ўпка микроваскулопатиясини ва нафас олиш йўллари реноделлаш ва перибронхиал фиброз белгилари аниқланган ҳисобига фиброз ривожланишнинг даражаси мезонлари ишлаб чиқилганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд бекатидаги тугунли бирлашган шифохонанинг 20.01.2021 йилдаги 8н-р/36-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 22.10.2024 йилдаги 07/17-сонли маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлик:* ЎСОКнинг микроваскулопатиясини эрта босқичларда аниқлаш ва оғир шакллари ҳамда ЎСОК учун хос бўлган ўпка тўқимасининг фиброзли зарарланишини олдини олиш имконияти касаллик прогнозини яхшилайти, ўз вақтида даволашни бошлаш, касалликнинг ривожланишини секинлаштириш ва асоратларнинг олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* таҳлил шуни кўрсатдики, ўпка паренхимасининг ўзига хос микроваскулопатияси ва қандли диабет асосида ётувчи микроангиопатия кўринишлари 2 тип қандли диабет билан коморбид бўлган ЎСОКда ўпка микроциркуляциясига таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса даволашда ижобий натижага эришиш имкониятини сезиларли даражада пасайтиради. *Хулоса:* ушбу кўрсаткичларнинг долзарблиги ҳар бир беморнинг индивидуал прогностик омилларини ҳисобга олган ҳолда эрта босқичда ташхислаш стратегияларини такомиллаштириш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: 2 типдаги қандли диабет ва ЎСОК билан кечадиган ҳолатларда кичик бронхлар шикастланишининг экспиратор обструкция ҳамда дихотомитик кенгайган паренхима томирларининг мунчоқ шаклидаги деформацияси мултиспирал компьютер томографияси микроваскулопатиянинг намоён бўлиши ҳисобига юқори информатив усул эканлиги асосланганлиги Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд бекатидаги тугунли бирлашган шифохонанинг 20.01.2021 йилдаги 8н-р/36-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* қандли диабетнинг 2 тип билан оғриган беморларда ЎСОК кечишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар кичик бронхлар зарарланиши ва микроваскулопатияни эрта аниқлашга қаратилган янада аниқ ташхислаш протоколларини ишлаб чиқишга имкон беради. Бу эса коморбид ҳолатни ҳисобга олган ҳолда даволашга индивидуал ёндашувни таъминлайди, беморлар ҳаёт сифатини яхшилайти ва умрини узайтиради. *Иқтисодий самарадорлик:* тадқиқот 2 тип қандли диабет билан коморбид бўлган ЎСОКни ташхислаш натижаларига прогностик омилларнинг комплекс таъсирини тушунишга муҳим ҳисса қўшади, шахсийлаштирилган ташхислаш стратегияларини ишлаб чиқиш учун янги истиқболларни таклиф этади. ЎСОК ва қандли диабетнинг 2 тип ўзаро оғирлашувининг исботлари профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун имкониятлар яратади. Бу эса кўзғалишлар ва асоратлар частотасини камайтиради, натижада шошилиш

касалхонага ётқизиш ва интенсив терапия харажатларини эрта ташхислаш орқали 30% гача камайтиради. Бу беморнинг ҳолатини баҳолаш ва ташхислаш усулларини танлашга комплекс ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди, касалликнинг прогнозини сезиларли даражада яхшилайти ва энг самарали тиббий аралашувни таъминлайди. *Хулоса:* такомиллаштирилган ташхислаш 2 тип қандли диабет билан коморбид бўлган ЎСОК билан оғриган беморларда ўпка паренхимасини баҳолашга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади, бу эса пульмонология амалиётида самарали протоколлар ва ташхислаш стратегияларини ишлаб чиқиш учун асос яратади.

Ж.А. Турдуматовнинг "Қандли диабет 2 типдаги ўпканинг сурункали обструктив касаллиги нур семиотикасининг ўзига хос хусусиятлари" мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик ва 1 та амалий тавсияни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 22.10.2024 йилдаги 07/17-сонли хати тақдим этилган.

Илмий натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий қоидалари 5 та илмий конференцияда, шундан 1 таси хорижий ва 4 таси халқаро иштироки билан республика илмий-амалий конференцияларида тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация маълумотлари 114 бетлик компьютер матнида тақдим этилган. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, унинг мақсад ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, унинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик ва амалий жиҳатдан тавсифланади. Тадқиқот натижалари, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамиятини очиб беради ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилади.

Диссертациясининг биринчи бобида **“2 типдаги қандли диабет билан коморбид ЎСОК диагностикасининг ҳозирги ҳолати”** – диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича хорижий ва маҳаллий адабий манбалар ҳақида умумий маълумот берилган ва 2 типдаги қандли диабет билан бирга келадиган ЎСОКнинг батафсил тавсифи берилган.

Диссертациянинг “Клиник материал ва тадқиқот усуллариини интеграл баҳолаш”, номли иккинчи боби тадқиқот материаллари ва усулларига бағишланган. 2020-2023-йилларда СамДТУ кўп тармоқли клиникасининг рентген-радиология бўлимида текширилган 75 нафар беморнинг маълумотлари таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ, 2 типдаги диабет билан бирга келадиган ЎСОКнинг кенг камровли рентген диагностикаси ўтказилди. 2 типдаги қандли диабет билан бирга келадиган ЎСОК курсининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш учун биз текширган беморлар 3 гуруҳга бўлинган эди. Асосий (I) гуруҳга 2 типдаги қандли диабет ҳамда ёндош ЎСОК билан оғриган беморлар (40 киши) киритилган. Натижаларни солиштириш учун II гуруҳга кирувчи қандли диабетсиз ЎСОК (20 киши) ва III гуруҳга кирувчи қандли диабет (15 киши) билан касалланган беморлар текширилди.

2 типдаги қандли диабет ҳамда ёндош ЎСОК билан оғриган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши киритилган. Натижаларни солиштириш учун II гуруҳга кирувчи қандли диабетсиз ЎСОК (20 киши) ва III гуруҳга кирувчи қандли диабет (15 киши) билан касалланган беморлар текширилди.

1-жадвал

Беморларни жинс ва ёш бўйича тақсимланиши, n=75

Ёши	I гуруҳ (n=40)		II гуруҳи (n=20)		III гуруҳи (n=15)	
	Эркак.	Аёлл.	Эркак.	Аёлл.	Эркак.	Аёлл.
18-44	1 (2,5%)	2 (5%)	3 (15%)	1 (5%)	1 (6,7%)	1 (6,7%)
45-59	7 (17,5%)	7 (17,5%)	3 (15%)	6 (30%)	4 (26,7%)	1 (6,7%)
60-74	11 (27,5%)	8 (20%)	2 (10%)	3 (15%)	4 (26,7%)	2 (13,3%)
75-89	3 (7,5%)	1 (2,5%)	1 (5%)	1 (5%)	1 (6,7%)	1 (6,7%)
Жами:	22 (55%)	18 (45%)	9 (45%)	11 (55%)	10 (66,7%)	5 (33,3%)

Аниқланган беморларнинг гендер тақсимоти 44 нафар эркак ва 31 нафар аёлни ташкил этиб, кекса ёшдаги беморлар устунлик қилди (1-жадвал, 2-жадвал) ташкил қилди. Таққослаш I ва III гуруҳларда эркаклар устунлик қилди. II гуруҳда аёллар устунлик қилди. Текширувдан ўтган беморнинг энг кичиги 25 ёшда, энг ёши каттаси эса 70 ёшда эди.

2-жадвал

Гуруҳлар бўйича беморларнинг жинси тақсимоти

жинси	Беморлар гуруҳи					
	I (n=40)		II (n=20)		III (n=15)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
эркаклар	23	57,5	9	45	12	80
аёллар	17	42,5	11	55	3	20
жами	40	100	20	100	15	100

Текширилаётган беморларнинг клиник белгилари турлича эди. 2 типдаги қандли диабет ҳамда ЎСОК билан оғриган беморларда миёкарднинг метаболик бузилишлари (30%) ва ўнг қоринчанинг кенгайиши (32,5%)

нисбатан тез-тез аниқланган. Хавф омилларининг факторларини таҳлил қилишда ЎСОК билан оғриган беморларнинг нисбатан тез-тез чекиши аниқланди. ЎСОК билан оғриган 60 бемордан (I ва II гуруҳлар) 28 нафар бемор 5 йилдан ортиқ чеккан кашандалардир.

ЎСОК билан оғриган барча текширилган беморларда (I ва II гуруҳлар) турли даражадаги асосий шикоятлар аниқланди: нафас қисилиши, балғамли йўтал (3жадвал). Маълумот учун, ЎСОК билан оғриган барча беморлар (100%), истисносиз, йўталдан шикоят қилдилар. Асосий гуруҳда нафас қисилиши II гуруҳга қараганда аниқроқ номоён бўлган (мос равишда 75% ва 45%). Нафас олишда ёрдамчи мушакларнинг мобилизацияси I гуруҳдаги 14 (35%) беморда ва II гуруҳдаги 2 (10%) беморда қайд этилган. Яъни, 2 типдаги диабет билан ҳамда ЎСОК билан оғриган беморларда нафас олиш фаолияти диабетсиз ЎСОК билан оғриган беморларга қараганда фаолроқ бўлган.

Кўкрак қафасидаги оғриқ ҳисси 2 типдаги қандли диабет ҳамда ЎСОК билан оғриган беморларда (12,5%) сезиларли даражада камроқ аниқланган. Шубҳасиз, оғриқ ҳисси камайиши диабетик нейропатияга боғлиқ.

Йил давомида уч мартадан кўпроқ яллиғланиш жараёнининг қайталаниш частотаси I гуруҳда ЎСОКда 16 беморда (40%), II гуруҳда эса фақат 3 (15%) беморда аниқланган. Ушбу таққослаш шуни кўрсатадики: ЎСОКнинг нисбатан тез-тез такрорланиши I гуруҳда (ЎСОК, диабет билан бирга келадиган касалликда) содир бўлади ва касаллик кучайиб кетиш кўрсаткичларидан бири йирингли балғамни аниқланиши эди.

Беморларнинг кўпчилиги (45 киши) да сурункали яллиғланиш жараёнининг кучайиши вирусли касалликларнинг тўпланиши пайтида кузатилган, кейинчалик улар бактериал инфекция билан асоратланган.

Касалликнинг кучайиши учун ташқи сабаб сифатида гипотермия 15 ҳолатда қайд этилган. 24 бемор ўткир респиратор вирусли касалликлар билан касалланган беморлар билан алоқада бўлган.

3-жадвал

Текширилаётган гуруҳлардаги клиник белгилар

Клиник белгилар	Беморлар гуруҳи					
	I (n=40)		II (n=20)		III (n=15)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Нафас қисиши	30	75	9	45	4	26,7
Йўтал	40	100	20	100	1	6,7
Балғам ажралиши	25	62,5	16	80	1	6,7
Нафас олишда иштирок этувчи ёрдамчи мушкуллар мобилизацияси	14	35	2	10	-	-
Кўкрак қафасида оғриқ	5	12,5	5	25	-	-
ЎСОК жадаллашган кўрсаткич йилига 3 марта	16	40	3	15	-	-

1-гуруҳдаги ЎСОКнинг давомийлиги $7,3 \pm 0,45$ йил, 2- гуруҳдаги беморларда $8,4 \pm 1,21$ йил. Қандли диабет билан касалланиш давомийлиги

асосий гуруҳ (1) беморларида $4,5 \pm 1,25$ йил, 3- гуруҳ беморларида эса $11,4 \pm 0,52$ йил (4-жадвал).

Ушбу намуналардаги ЎСОКнинг ва қандли диабетнинг давомийлигини таққослаган ҳолда, биз қандли диабетнинг ЎСОК давомийлигига салбий таъсири ҳақида ўйлаб кўришимиз мумкин. Шундай қилиб, 1- гуруҳдаги беморларда ЎСОКнинг ривожланиши қандли диабет билан бир вақтнинг ўзида ёки 2 типдаги диабетдан кейин 35% ҳолларда аниқланган.

4-Жадвал

Таҳлил қилинаётган гуруҳларда ЎСОК ва қандли диабетнинг давомийлиги

Патологиянинг давомийлиги	Беморлар гуруҳи		
	I (n=40)	II (n=20)	III (n=15)
ЎСОК	$7,3 \pm 0,45$ ёш	$8,4 \pm 1,21$ ёш	-
Қандли диабет	$4,5 \pm 1,25$ ёш	-	$11,4 \pm 0,52$ ёш

ЎСОК фенотипларининг пайдо бўлиш частотасини баҳолаш унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлади: ЎСОКнинг эмфизематозли, қулайроқ фенотипи II гуруҳдаги беморларда нисбатан кўпроқ кузатилган. Биринчи гуруҳда асосан аралаш типдаги беморлар, кейин эса бронхит фенотипи устунлик қилган.

Қонда глюкоза даражаси фақат ЎСОК билан оғриган беморларга нисбатан (шакар истемоли юкласидан олдин $5,04 \pm 0,01$ ммол/л) қандли диабет (шакар истемоли юкласидан олдин $9,4 \pm 0,2$ ммол/л ва кейин $11,0 \pm 0,3$ ммол/л) билан бирга келадиган ЎСОКнинг биринчи гуруҳида юқори бўлган. ва юкламадан кейин $5,7 \pm 0,02$ ммол/л рақамларни кўрсатган.

III гуруҳдаги беморларда оч қоринга қондаги глюкоза даражаси ўртача $8,2 \pm 0,6$ ммол/л ва юкламадан кейин $11,9 \pm 0,9$ ни ташкил этди (5-жадвал). шакар истемоли юкласидан олдида ва кейин қондаги глюкоза даражасининг фарқи I гуруҳда $1,6$ ммол/л, II гуруҳда - $0,66$ ммол/л ва III гуруҳда $3,7$ ммол/л ни ташкил этди.

5-жадвал

Текширилаётган гуруҳлардаги беморларнинг қонидаги глюкозага толерантлик тести кўрсаткичлари

Қондаги глюкоза миқдори (ммол/л)	Беморлар гуруҳи					
	I (n=40)		II (n=20)		III (n=15)	
	машқдан олдин	машқдан кейин	машқдан олдин	машқдан кейин	машқдан олдин	машқдан кейин
	$9,4 \pm 0,2^{***}$	$11,0 \pm 0,3$	$5,04 \pm 0,01^{***}$	$5,7 \pm 0,02$	$8,2 \pm 0,6^{**}$	$11,9 \pm 0,9$

Эслатма: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$; *** $p < 0,001$

Ўпка фаолият и спирометрия ёрдамида баҳоланади. Спирометрия усули ҳажм, вақт, ҳаво оқими тезлиги ва спирограммадаги ҳажм-вақт эгри чизиғи ўртасидаги боғлиқлик каби асосий параметрларни ўрганиш имконини беради. ЎСОКнинг функционал диагностикасини ташкил этувчи мажбурий спирометриянинг асосий мезонлари қуйидагилардир: ЎКХС (ўпканинг кучайтирилган ҳаётӣ сифими); 1КНЧХ (1 сонияда кучайтирилган нафас чиқариш ҳажми), Тиффно индекси.

Рентген морфологик усулларида анъанавий рентгенография ва МСКТ ишлатилган.

Рентгенография. Кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенограммаси максимал нафас олишда, нафасни ушлаб турганда, беморнинг тик ҳолатида, кўкрак қафаси кассетага маҳкам боғланган ҳолда, елка қопқоқ суяклари ташқарига чиқарилган ҳолатда амалга оширилди. Тўғридан-тўғри проекцияда тасвирни олиш учун рентген плёнкаси бўлган кассета ўрнатилди, шунда кассетанинг юқори қирраси С7 умуртқа танаси даражасида бўлади, рентген нурланиши ишлатилган кассетанинг марказига йўналтирилади, ўрта чизик бўйлаб ТН6 вертебра соҳасига юналтирилади.

Ён проекцияда тасвирни олиш учун бемор қўлларини кўтарган ҳолда, текширилаётган томонни кассетага маҳкам эгди. Кассета, кўкрак қафасининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, вертикал ёки горизонтал равишда ўрнатилди. Кассетанинг юқори даражаси ТН6 вертебра проекциясида жойлашган эди. Рентген нурланиши олдинги аксиллар (мушак ости) чизигида марказлаштирилган.

Амалдаги техник параметрлар: рентген трубкаси кучланиши - 125 кВ, фокус масофаси - 1,5 м. Массадаги оқим кучи рентген аппарати томонидан ўз-ўзини бошқариш режимида, ҳар бир бемор учун – $t \times kV = mAs$ формуласи бўйича таҳлил қилинди, бу эрда t - нурларнинг таъсир қилиш вақти. Скрининг панжаралари ишлатилган. Фронтал проекцияда рентгенограммаларни олиш учун 35x35 см ўлчамдаги плёнкалар, латерал проекцияда эса 30x40 см ўлчамдаги плёнкалар ишлатилган.

Рентгенограммаларни баҳолашни шарҳлашда ўпка майдонларининг ҳаводорлиги, ўпка тасвири, ўпка илдизларининг тузилиши, костоидиафрагма ва кардиодиафрагмал синусларнинг ҳолати, диафрагма контурлари ва медиастинал органларнинг ҳолати ўрганилади. Қўшимча зарур маълумотларни олиш учун текширув нафас олиш ва нафас чиқариш босқичларида ўтказилди.

Компьютер томографияси. Компьютер томографияси General Electric (GE) Revolution EVO 128 томографида, 2,5 мм баландликда ва 0,125 реконструкцияда амалга оширилди. Қайта қуриш (реконструкция) бўлаклари қалинлиги 1 мм. МСКТ нинг техник қурилмалари: рентген трубкаси кучланиши 120 кВ, оқим 146 mAs. Юқори аниқликдаги алгоритм ишлатилган. Мақсадли тасвирни қайта тиклаш ўпка паренхимасининг текширилган майдонини энг катта чеклаш билан ишлатилган.

Технология усуллариининг тегишли параметрлари тадқиқотнинг фазовий ўлчамларини яхшилашга ёрдам берди. Ўпка паренхимасини батафсил таҳлил қилиш учун МСКТ беморнинг максимал нафас чиқариши ва максимал олиши ҳолатида ўтказилди.

Сифатли баҳолаш патологик ўзгаришларнинг табиати ва даражасини аниқлади. Радиацион диагностика усуллариини қўллаш жараёнида радиациявий хавфсизлик талабларига амал қилинди. Кўкрак қафаси

органларининг МСКТ ни ўтказишда ўртача самарали доз $2,9 \pm 0,9$ мЗв ни ташкил этди.

Диссертациянинг учинчи “2 типдаги қандли диабет билан бирга келадиган ЎСОКнинг комплекс рентгенологик диагностикаси” бобида ЎСОКнинг 2 типдаги қандли диабет билан коморбид клиник ва рентгенологик белгилари таҳлил қилинди.

2 типдаги қандли диабет билан касалланган ЎСОК билан оғриган беморларда спирометрия нормал шакар профилига эга бўлган ЎСОК билан оғриган беморларга нисбатан бронхиал ўтказувчанликнинг аниқроқ ўзгаришларини аниқлади. Фақат қандли диабет билан оғриган беморларда спирометрия кўрсаткичлари нормал чегараларда эди (6-жадвал).

6-жадвал

Таққосланган гуруҳлардаги беморларда спирометрия кўрсаткичлари

Кўрсаткичлари	I гуруҳ (n=40)	II гуруҳ (n=20)	III гуруҳ (n=15)
ЎКҲС %	66,37±0,46***	69,97±2,93*	81,7±3,5
ЎҲС %	59,93±0,75***	69,82±2,06***	88,5±4,3
1КНЧҲ %	59,99±2,42***	70,01±0,27*	76,3±2,8
Индекс Тиффно %	60,04±0,82***	65,89±2,46***	87,4±4,1
ЧХТ %	49,76±2,19	62,06±0,52	54,9±4,3
МХТ25 %	34,87±0,62***	43,91±2,45*	55,9±4,6
МХТ50 %	29,87±0,37***	39,96±2,68***	65,1±2,4
МХТ75 %	36,32±2,04***	44,04±1,12***	76,5±6,7

Эслатма: *p<0,05; **p<0,01; ***p<0,001 III гуруҳга нисбатан.

Клиник текширув ва спирометрия маълумотларига кўра, ЎСОК билан оғриган 60 бемор мос равишда қуйидаги учта кичик гуруҳга бўлинган: енгил, ўртача ва оғир. Бизнинг назоратимиз остида жуда оғир даражадага эга бўлган беморлар йўқ эди (7-жадвал).

7-жадвал

ЎСОКнинг оғирлик даражасининг тавсифи

ЎСОКнинг оғирликч даражаси	I гуруҳ (n=40)		II гуруҳ (n=20)	
	abs.	%.	abs.	%.
Енгил даража	8	20	5	25
Ўрта даража	27	67.5	13	65
Оғир даража	5	12.5	2	10
Беморлар жами	40	100	20	100

Бизнинг ишимизда ўпка паренхимасининг морфо-функционал ҳолатини баҳолаш учун барча текширилган беморлар, истисносиз, контрастсиз рентгенографиядан ўтказилди. Оғирлик даражасига қараб, текширилганларда ЎСОКдаги рентгенологик ўзгаришлар аниқланди.

Тадқиқот гуруҳлари кесимида беморларда кўкрак қафаси рентгенограмма маълумотларини умумлаштириш I ва II гуруҳлардаги ўпка паренхимасидаги

ўзгаришларни ўрганишда қандли диабет билан оғриган беморларга қараганда сезиларли фарқларни аниқламади (8-жадвал).

Ўпкада обструкциянинг ўзига хос рентгенологик мезони, масалан, ўпка тўқималарининг шаффофлигини ошириш, I гуруҳда 40% ҳолларда, II гуруҳда эса 45% ҳолларда кузатилган. Қандли диабет билан оғриган беморларда эмфизематоз ҳолат фақат 6,7% ҳолларда аниқланган. Пневмосклероз шаклида ўпка тасвирини бойитиш ва турсимон деформацияси ЎСОКда 75% ҳолларда, I гуруҳда - 80% ва қандли диабет билан оғриган беморларда - 40% ҳолларда аниқланди.

8-жадвал

Тадқиқот гуруҳларида ЎСОКда касалликнинг рентгенографик белгиларини аниқлаш частотасилаш частотаси

Рентгенологик ўзгаришлар	Беморлар гуруҳи					
	I (n=40)		II (n=20)		III (n=15)	
	abs.	%	abs.	%	abs.	%
Эмфизима	16	40	9	45	1	6,2
Пневмосклероз	32	80	15	75	6	40
Бронхлар девори қалинлашуви	32	80	15	75	4	26,7
Қон томир контурлари, бронхлар ва илдиз зоналарини ноаниқлиги	22	55	12	60	1	6,7
Қилич шаклидаги трахея	14	35	9	45	-	-
Перибронхиал ва периваскуляр "манжет"лар	29	72,2	16	80	7	46,4
Диафрагма гумбазларининг текисланиши ва синусларнинг пардаланиши	22	55	9	45	1	6,7
Булақлараро плевранинг қалинлашуви	17	42,5	9	45	3	19,6
Керли-чизиқлари	26	65	11	55	1	6,7
Кальцинатлар	7	17,5	1	5	3	19,6

Бронхлар деворларининг қалинлашиши ЎСОК билан оғриган беморларда ҳам патогномоник ҳисобланади (I гуруҳда 80%, II гуруҳда 75%). II гуруҳдаги ЎСОК билан оғриган беморларда қон томирлари контурлари, бронхлар ва ўпка илдизлари, бронхлар ва томирлар атрофидаги перибронхиал ва периваскуляр "манжетлар" хиралашгани кўзатилади, шунингдек булақлараро плевранинг сиқилиши II гуруҳдаги ЎСОК билан оғриган (мос равишда 60%, 80%, 45%) беморларда яққол намоён бўлади. Текширувдан ўтганларнинг маълум бир қисмида трахеянинг сагиттал ўлчамининг кўндаланг диаметрдан (тўғридан-тўғри проекциядан) юқори бўлганлиги аниқланди (I да - 35%, II - 45%).

8-жадвалдан кўриниб турибдики, текширилган ЎСОК ва ёндош 2 типдаги қандли диабет билан оғриган беморларининг ўпкасидаги ўзгаришларнинг энг кўп учрайдиган рентгенологик мезонлари пневмосклероз бўлиб, асосан ўпканинг илдиз олд ва базал зоналарида содир

бўлади ва пневмосклероз деб аталади, бундан ташқари ўпка соҳасидаги эмфизематознинг фониди бронхлар деворларининг зичлашиши кўзатилади.

Кўриб турганимиздек, максимал нафас олиш пайтида ўтказилган классик рентгенографиянинг тавсифланган белгиларига асосланиб, фақатгина ЎСОК мавжудлиги ҳақида тахмин юритиш мумкин. Бироқ, клиник шифокорнинг кундалик амалиётида, касалликнинг характерли клиник кўринишлари мавжудлигига қарамадан, ЎСОКни фақат дастлабки рентгенограмма асосида аниқ ажратиш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Классик рентгенологик текширув ЎСОК билан оғриган беморларнинг тадқиқот гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқларни ажратмади. Шунга ўхшаш клиник семиотикага эга бўлган бронхопулмонер патологияларнинг ҳетерогенлиги ЎСОКнинг ихтиёрий (селектив) ташҳисини амалга оширишни жуда қийинлаштиради. Шу сабабли, кенг қамровли рентген текшируви ёрдамида эришиш мумкин бўлган ишончли диагностика параметрларини ўрнатиш зарурати туғилади. Бу ЎСОКни фарқлашда МСКТ. нинг кенгайтирилган функцияларини баҳолаш учун сабаб бўлди, айниқса радиологик тадқиқот усулларини оптималлаштириш учун диабет билан биргаликда келган ЎСОКда бу зарурат кучаяди.

Йиғилган МСКТ маълумотларини баҳолаш тўртта мантиқий босқични ўз ичига олади: 1) визуал таҳлил; 2) миқдорий таҳлил; 3) қиёсий таҳлил; 4) маълумотларни таққослаш.

Аввало, визуал таҳлилдан сўнг, барча текширилган гуруҳларда паренхима зичлиги баҳоланди, яъни. ЎСОКнинг оғирлигига ва унинг қандли диабет билан комбинациясига қараб ўпка майдонларининг ҳаводорлиги ҳисобга олинди. Денситометрик таҳлил ўнг ва чап ўпканинг учта белбоғда ўтказилди: юқори камар (трахеянинг бифуркациясидан 5 см юқорида), ўрта камар (трахея бифуркациясининг проекцияси) ва пастки камар (трахея бифуркациясидан 5 см пастда). Ўпка паренхимаси нафас олиш ва чиқариш босқичларида баҳоланади. ЎСОК билан оғриган 1- ва 2-гуруҳлардаги ўпканинг денситометрик параметрлари III гуруҳ маълумотлари билан солиштирилди, яъний фақат ўпка патологияси бўлмаган 2 типдаги диабет билан оғриган беморлар таққосланади. I ва II гуруҳдаги барча беморларда ЎСОК нинг енгил даражаси (13 бемор) бўлган МСКТ маълумотларини миқдорий баҳолаш III гуруҳдаги беморларга нисбатан денситометрик мезонларнинг ўртача ўсишини (35,4НУ га яхлитланган) корсатди: шаффофликнинг пасайиши ўпканинг барча учта тадқиқот соҳаларида кўзатилди, ўпканинг апикал соҳасида бу ҳолат устунлик қилди (9-жадвал) ва 2 типдаги қандли диабет билан бирга келадиган ЎСОК билан оғриган беморларда аниқроқ акс этган ҳолатни кўриш мумкин. Бундан ташқари, ЎСОКнинг бундай даражаси билан ҳам, МСКТ экспиратуар обструкция симптомини аниқлай олади (54% ҳолларда).

Назорат гуруҳи (III гуруҳ) билан солиштириганда энг катта намунани (40 киши) ташкил этган ЎСОКкасаллиги зўрайишининг ўртача даражаси билан МСКТ нинг денситометрик мезонларини қиёсий баҳолаш барча учта тадқиқот зоналарида статистик жиҳатдан сезиларли даражада ($p < 0,05$)

аникланди. ўпка паренхимаси шаффофлигининг бироз сустлашгани сезилади (тахминан 24,1НУ). Паренхима зичлиги кўрсаткичлари ўрганиш зонасига қараб ўзгариб туради. Ўпка паренхимаси шаффофлигининг энг катта пасайиши (тахминан 41,0НУ, $-767,1 \pm 37,2$ НУ) II гуруҳдаги беморларда ўнг ва чап ўпканинг юқори зонасида қайд қилинди. Асосий гуруҳдаги беморларда ўпканинг юқори камарида паренхима шаффофлигининг минимал пасайиши (тахминан 6,5НУ, $-801,6 \pm 10,4$ НУ) қайд этилган (9-жадвал) кзуатилди.

9-жадвал

Текширув белбоғига кўра ўрганилаётган гуруҳлардаги денситометрик мезонлар

Тадқиқот олиб	Оғирлик даражаси	ўнг ўпка				чап ўпка				М±m иккал а упка
		Юқори майдон	Ўрта майдон	Пастки майдон	М±m	Юқори майдон	Ўрта майдон	Пастки майдон	М±m	
I	Енгил (n=8)	-757,4 ±18,0	-783,5 ±19,2	-770,5 ±12,0	-770,5 ±14,1	-759,4 ±16,0	-764,9 ±26,4	-755,6 ±15,6	-760,0 ±17,0	-765,2 ±15,0
	Ўрта (n=27)	-801,7 ±11,0	-795,0 ±12,5	-781,0 ±13,3	-792,6 ±11,0	-801,4 ±9,7	-778,6 ±13,1	-765,7 ±13,6	-781,9 ±10,9	-787,2 ±10,7
	Оғир (n=5)	-797,4 ±35,1	-822,4 ±19,5	-818,6 ±30,0	-812,8 ±26,0	-825,8 ±32,7	-824,2 ±31,0	-767,4 ±52,4	-805,8 ±35,5	-809,3 ±30,4
II	Енгил (n=4)	-755,0 ±50,4	-799,0 ±31,0	-777,5 ±40,3	-777,2 ±39,5	-743,5 ±49,1	-790,8 ±34,0	-776,8 ±43,0	-770,3 ±39,7	-773,8 ±39,5
	Ўрта (n=12)	-744,8 ±49,0	-782,7 ±19,1	-774,9 ±23,3	-767,4 ±25,3	-789,3 ±25,3	-781,1 ±24,2	-774,0 ±29,2	-781,5 ±25,1	-774,5 ±24,6
	Оғир (n=4)	-832,0 ±32,0	-832,3 ±32,4	-826,8 ±52,1	-830,3 ±36,0	-809,8 ±20,5	-810,1 ±38,3	-811,5 ±52,1	-810,4 ±34,3	-820,4 ±34,1
III	(n=15)	-808,4 ±10,0	-817,4 ±10,4	-803,7 ±9,0	-809,8 ±8,9	-807,7 ±13,7	-804,7 ±13,9	-787,5 ±12,1	-800,0 ±11,9	-804,9 ±10,3

Кўриниб турибдики, ўпка бўйлаб денситометрик кўрсаткичларнинг ўсиши фонида ЎСОКнинг ўртача даражаси бўлган беморларда, касалликнинг энгил даражасида бўлгани каби, ўпканинг юқори камарида патологик ўзгаришларнинг ривожланиши устунлик қилди. Бундан ташқари, агар II гуруҳда юқори қисмда ўрта ва пастки даражаларга нисбатан ҳаво мавжудлиги сезиларли даражада пасайган бўлса, асосий (I) гуруҳда юқори даражадаги ҳаво мавжудлиги бошқа даражаларга нисбатан ошди.

ЎСОК касаллигининг оғир даражаси билан касалланган 1- ва 2- гуруҳдаги барча беморларда 3- гуруҳнинг рақамли кўрсаткичлари билан МСКТни қиёсий баҳолаш (7 бемор), ўпка тўқималарида ҳаво мавжудлигининг ошишини аниқлади: юқори майдонда, ўпканинг - 8,2НУга, ўрта майдонда - 11,2НУга, пастки майдонда - 10,5НУга тенглиги аниқланди ва бу статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$).

Ўпка зичлигининг икки томонлама фарқи денситометрик мезонларда катта эмас эди ва статистик таҳлилда аҳамиятсиз эди ($p > 0,05$). Ўртача кўрсаткичларни таққослаш шуни кўрсатадики, ЎСОК (II гуруҳ) билан оғриган беморларда 2 типдаги диабет (I гуруҳ) билан бирга келадиган ЎСОК билан оғриган беморларга нисбатан денситометрик кўрсаткичларнинг пасайиши аниқроқ эканлиги кузатилди. Шу билан бирга, қуйи даражадаги I гуруҳдаги беморларда энг юқори паренхима зичлиги мавжуд эди ($-793,0 \pm 41,2$) бўлган (9-жадвал).

Маълум босқичга келганда, касалликнинг узоқ давом этиши сабабли диффуз интерстициал ўзгаришлар кучайиши қайд этилган. ЎСОК оғирлиги ошгани сайин, склеротик жараён бутун юналиш бўйлаб кенгайиб борди, аммо денситометрик жиҳатдан ўртача зичлик қисман эмфизематоз билан қопланди.

Бундан ташқари, ўпка паренхимаси, қон томирлари ва бронхлар архитектоникасини визуал баҳолаш, шунингдек, денситометрик параметрларни таҳлил қилиш, ЎСОК ва қандли диабет билан оғриган беморларда рентген морфологик ўзгаришларни батафсил баҳолашдан сўнг биз тўпланган маълумотларни қуйидагиларга бўлганмиз. Олинган маълумотлар икки тоифага бўлинади: Булар ЎСОКка хос бўлган мезонлар ва ўпкада яллиғланиш ҳолатидан кейинги қолдиқ ўзгаришлар (10-жадвал) ва микроваскулопатияга хос бўлган мезонлар (11-жадвал).

Биринчи тоифага кирадиган ўзгаришларга пневмосклероз, бронхларни ремоделлаш белгилари (кенгайган ва деформацияланган бронхлар) бронхоэктазлар, эмфизематоз, плевра қатламларининг сиқилиши ва плевранинг ёпишишлари-битишмалари, ўпкада тош пайдо бўлиши киради.

Микроваскулопатиянинг ўзига хос кўринишлари (иккинчи тоифа) ўз ичига кенгайган, дихотомияга бўлинган ва маржонлар шаклида деформатсийланган ўпка томирлари ва ўртача катталиқдаги сояларни (томирларнинг қўндаланг кесимлари) ўз ичига олади.

Тасвирларни таҳлил қилиш натижаларини таққослаб, ЎСОКка хос бўлган рентген морфологик КТ мезонлари ва ўпкада яллиғланиш ҳолатидан кейин қолдиқ ўзгаришлар 1- гуруҳлар учун ҳам, 2- гуруҳлар учун ҳам патогномоник

